



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ

Ахмедов Баходир Бахриддинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20555251>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil

Ma'qullandi: 28-may 2026 yil

Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

KEYWORDS

Ярашув институти, жиноят
ишларини юритиш,
суриштирувчи, терговчи,
прокурор, суд.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ярашув институтини қўллашнинг жиноят-процессуал қонунчилиги нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, муаллиф томонидан бу турдаги жиноятларни юритишда ярашув институтини қўллашнинг айрим фикр ва мулоҳазалар илгари сурилган. Мақолада амалиётдаги муаммолар ва ярашув институтини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсоннинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида мақсад қилиб белгиланди [1]. Ушбу стратегик мақсадларни амалга ошириш доирасида ярашув институтини ҳуқуқий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жиний тажовузлардан муҳофаза этиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат тамойилларини ҳаётга изчил татбиқ этиш бугунги кунда ҳар бир давлат органи фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади. Юртбошимиз табри билан айтганда фуқароларнинг давлатдан рози бўлиб яшаши учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан биридир.

Жамият тараққиёти ва ижтимоий муносабатларнинг доимий равишда ривожланиб бориши инсон фаолиятининг барча соҳаларида муайян ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради. Сўнгги йилларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ шунга қарамасдан, айрим шахслар ҳуқуқий билимларнинг

етарли эмаслиги, қонун талабларини тўлиқ англаб етмаслик ёки шахсий манфаатларни устун қўйиш оқибатида турли кўринишдаги жиноятларни содир **этноқдалар**.

Бундай ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар натижасида нафақат шахс, жамият ва давлат манфаатларига моддий ёки маънавий зарар етказилади, балки ҳуқуқбузар шахснинг ўзи ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши орқали муайян ҳуқуқий оқибатларга дуч келади.

Статистик маълумотларга кўра, 2025 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 79550 нафар шахсга нисбатан 63173 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 422 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинган. Судланган шахслар сони 63337 нафарни ташкил этиб, шундан 18810 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 43534 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланган, 993 нафар шахс шартли ҳукм қилинган. Судланган шахсларнинг 55826 нафари эркак, 7511 нафари аёл, шу жумладан 431 нафари вояга етмаган. Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида **13224** нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган. 2020 йилда эса судлар томонидан **8266** нафар шахс ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилганлигини гувоҳи бўламиз [2]. Бу эса йилдан йилга мазкур институтнинг амалиётда кенг қўлланилиб бораётганлигидан далолат беради.

Бир томондан, жиноят содир этган шахсга нисбатан ижтимоий ишончни сақлаб қолиш имконини берса, иккинчи томондан, жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тез фурсатларда тикланишига хизмат қилади. Натижада жамиятда келишмовчиликларни, можароларни жазо орқали эмас, балки муроса ва ўзаро келишув асосида ҳал этиш маданияти шаклланади.

Албатта, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида мавжуд бўлган ярашув институтининг ўрни беқиёс ва муҳим аҳамият касб этади. Мазкур институт нафақат ҳуқуқий механизм сифатида, балки ижтимоий барқарорлик ва инсоний муносабатларни тиклашнинг самарали воситаси сифатида ҳам эътироф этилади.

Ишни судга қадар юритиш босқичида ярашув институтининг кенг қўлланли қўлланилиши бир қатор муҳим натижаларга эришишга имкон беради. Жумладан, суриштирувчи ва терговчиларнинг иш юритиш жараёнини оптималлаштириш, иш юкмасини сезиларли даражада камайтириш ҳамда уларнинг диққат-эътиборини оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича терговга йўналтириш. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар самарадорлигини оширишга бевосита хизмат қилади.

Ярашув институтини суд-тергов амалиётида қўллаш юзасидан ҳуқуқий адабиётларда бир қанча ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирган.

Жумладан, У.Таджиханов фикрига кўра, “Томонлар ярашуви янги ҳуқуқий ҳодиса бўлишига қарамай, чуқур тарихий илдизга эга, ўзаро бағрикенглик (сабр-тоқатлилик) ва фуқароларнинг бир-бирларини кечира олиш хусусияти миллий маданиятимизга доимо хос бўлган, ўйлаймизки, бу институт катта истиқболга эга”[3].

Х.Т.Одилқориев ва И.Т.Тулътеевларнинг фикрлари ҳам юқоридаги фикрга ҳамоҳанг бўлиб, ярашув институти “доимо бизнинг миллий маданиятимизга ва менталитетимизга хос бўлган”[4] деб таъкидлаган.

Б.Жамолов эса ярашув институти бўйича қуйидаги яъни, “Халқимизнинг менталитетига мос бўлган ярашув институтининг қонунчилигимизга киритилиши нафақат ҳуқуқшунослар, жамоатчилигимиз томонидан ҳам мамнуният билан қабул қилинди. Мазкур институт, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан судланган деган “тамға”ни қўллаш доирасини жиддий равишда қисқартириш имконини берди.” [5] деган фикрларни илгари сурган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий қарашлари ва назарий ёндашувларини таҳлил қилиб, улар томонидан билдирилган фикрларга қисман қушилган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, ярашув институтининг жиноят-процессуал қонунчилигига киритилиши ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Мазкур институт, аввало, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилишга хизмат қилади. Шу билан бирга, ярашув институти жиноят натижасида вужудга келган жиноий-ҳуқуқий низоларни бартараф этиш, жабрланувчи ва гумон қилинувчи, айбланувчи ўртасидаги муносабатларни тиклаш учун асос бўлади. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг келгусида қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтиришга ва жамиятда ҳуқуқий маданият ҳамда ўзаро масъулият ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ярашув институтининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у жиноят процесси иштирокчиларининг манфаатлар мувозанатини таъминлайди.

Бундан ташқари, ярашув институтининг суриштирув, дастлабки тергов ва суд амалиётида кенг қўлланилиши процессуал иқтисодни таъминлашга, давлат маблағлари ва вақт сарфини қисқартиришга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда судларнинг иш юкини камайтиришга хизмат қилади. Натижада жиноят ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги ошади, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари эса янада ишончли ҳимоя қилинади.

Демак, ярашув институти нафақат шахс манфаатларини, балки давлат ва жамият манфаатларини ҳам таъминловчи, жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг инсонпарварлик ва адолат тамойилларини рўёбга чиқарувчи муҳим ҳуқуқий институт сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ярашув институти Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига 2001 йилда киритилган бўлиб, дастлаб ЖКнинг 26 та моддасида назарда тутилган 32 та жиноят таркибига нисбатан татбиқ этилган [6]. Ҳозирги кунга келиб эса ЖКнинг 49 та моддасида назарда тутилган 61 та жиноят таркибига нисбатан ярашув қўлланиши мумкин [7], бу ўтган давр мобайнида мазкур институтнинг моҳиятан кенгайиб борганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-моддасига мувофиқ ярашув барча жиноятларга нисбатан эмас, балки ЖКнинг 66¹-моддасида санаб ўтилган, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга нисбатан татбиқ этилади. Муҳим чеклов шуки, оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашув асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Ярашув жараёнининг процессуал механизми Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583–586-моддаларида батафсил тартибга солинган бўлиб,

мазкур нормалар ярашувни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда қарор қабул қилиш тартибини белгилаб беради. Мазкур жараённинг мазмун-моҳияти ва амалий қўлланилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уни шартли равишда учта асосий босқичга ажратиб таҳлил қилиш мумкин.

Биринчи босқич — ярашув тўғрисидаги аризани бериш (ЖПК 583-модда).

Ярашув институтини қўллаш жараёни жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили томонидан ихтиёрий равишда берилган ариза асосида бошланади. Қонунчиликка кўра, мазкур аризада икки муҳим ҳолат яъни биринчидан, жиноят натижасида етказилган моддий ёки маънавий зарарнинг тўлиқ бартараф этилганлиги, иккинчидан эса жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш ҳақидаги илтимос албатта ўз аксини топиши лозим. Ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси босқичида берилиши мумкин бўлса-да, у суднинг маслаҳатхонага киришидан олдин тақдим этилиши шарт. Оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ишлар юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киришидан олдин берилиши мумкин. Шу билан бирга, бир неча жабрланувчи иштирок этаётган жиноят ишларида уларнинг барчаси билан ярашувга эришилган бўлиши талаб этилади. Агар жабрланувчилардан ҳеч бўлмаганда бири ярашувга розилик бермаса, мазкур институтни қўллаш имконияти истисно этилади. Ушбу қоида ярашув институтининг адолатлилик ва барча жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш тамойилларига асосланганлигини кўрсатади.

Иккинчи босқич — ярашув шартларини текшириш ва прокурор назорати (ЖПК 584-модда).

Ярашув тўғрисидаги ариза қабул қилинганидан сўнг суриштирувчи ёки терговчи етти сутка муддат ичида қонунда назарда тутилган шартларнинг мавжудлигини текшириши ва уларни тасдиқловчи далилларни тўплаши лозим. Хусусан, жиноятнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган тоифага мансублиги, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жабрланувчидан кечирим сўраб, у билан ярашганлиги, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги ҳамда шахснинг содир этилган қилмиш бўйича ўз айбини тан олганлиги аниқланиши шарт. Мазкур ҳолатлар тўлиқ тасдиқланган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчи ишни ярашув масаласини ҳал қилиш учун судга юбориш ҳақида қарор қабул қилади. Ушбу қарор прокурорнинг розилиги олингандан кейин уч сутка ичида судга тақдим этилади. Шу тариқа прокурор назорати ярашув институтининг қонуний ва асосли қўлланилишини таъминловчи муҳим кафолат сифатида намоён бўлади.

Учинчи босқич — суд муҳокамаси ва якуний процессуал қарор қабул қилиш (ЖПК 585–586-моддалар).

Ярашув тўғрисидаги масала суд томонидан ўн суткалик муддат ичида кўриб чиқилади. Суд муҳокамаси давомида, аввало, жабрланувчининг ярашув ҳақидаги аризаси ўқиб эшиттирилади. Кейин эса суд гумон қилинувчи ёки айбланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи ва прокурорнинг фикрларини эшитиб, ярашувнинг қонун талабларига мувофиқ амалга оширилганлигини ҳар томонлама текширади. Хусусан, ярашувнинг ихтиёрий хусусиятга эга эканлиги, жабрланувчига нисбатан ҳар қандай босим ёки тазйиқнинг мавжуд эмаслиги, айбга иқроор бўлишнинг ҳаққонийлиги ҳамда

етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги аниқланади. Агар суд ярашувнинг барча шартлари бажарилган деган хулосага келса, жиноят ишини ярашув муносабати билан тугатиш ҳақида ажрим чиқаради. Акс ҳолда, ярашувни тасдиқлаш рад этилиб, иш қонунчиликда белгиланган умумий тартибда кўриб чиқиш учун прокурорга қайтарилади. Мазкур босқич ярашув институтининг қонунийлик, ихтиёрийлик ва адолатлилик тамойиллари асосида амалга оширилишини таъминлайдиган ҳал қилувчи жараён ҳисобланади.

Суд-тергов амалиётидаги муаммолар ва ярашув институтини такомиллаштириш истиқболлари:

Суд-тергов амалиёти таҳлили ярашув институтининг жиноят ишларини адолатли ҳал қилишда муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Бироқ уни қўллаш жараёнида айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Мазкур муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилмаслиги ярашув институтининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биринчидан, ярашувнинг ихтиёрийлик тамойилини таъминлаш масаласи амалиётда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Айрим ҳолатларда жабрланувчига нисбатан турли шаклдаги психологик таъсир ёки гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан бевосита босим ўтказилиши эҳтимоли мавжуд. Бундай вазиятларда жабрланувчи ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш имкониятидан маҳрум бўлиб, ярашув ҳақидаги қарор унинг ҳақиқий хоҳиши эмас, балки ташқи омиллар таъсирида шаклланган бўлиши мумкин. Натижада ярашув институтининг асосий принципларидан бири бўлган ихтиёрийлик талаби бузилади ҳамда қабул қилинган процессуал қарорнинг қонунийлиги ва адолатлилигига нисбатан асосли саволлар юзага келади.

Иккинчидан, жиноят натижасида етказилган зарарни бартараф этиш мезонларининг қонунчиликда етарлича аниқ белгиланмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича ёндашувларни келтириб чиқармоқда. Айрим ҳолларда фақат моддий зарарнинг қопланиши етарли деб баҳоланса, бошқа ҳолатларда маънавий зарарнинг қопланганлиги ёки жабрланувчидан расмий равишда кечирим сўралганлиги ҳам ҳисобга олинади. Бу эса суд ва тергов органлари фаолиятида бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Учинчидан, оилавий зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишларида ярашув институтини қўллаш ўзига хос ҳуқуқий ва ижтимоий хавфларни келтириб чиқаради. Чунки жабрланувчи кўп ҳолларда иқтисодий, психологик ёки ижтимоий қарамлик сабабли ярашувга розилик беришга мажбур бўлиши мумкин. Натижада ярашув расман амалга оширилган бўлса-да, келгусида такрорий зўравонлик ҳолатлари содир бўлиш хавфи сақланиб қолади. Бу эса жабрланувчининг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча ҳуқуқий механизмларни жорий этиш заруратини кўрсатади.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш ҳамда ярашув институтининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

- Ярашув тўғрисидаги ариза берилганидан сўнг унинг ҳақиқатан ҳам ихтиёрий равишда тақдим этилганлигини тасдиқловчи қўшимча процессуал кафолатларни

жорий этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, нотариал тасдиқлаш механизми ёки мустақил медиатор иштирокида жабрланувчининг хоҳиш-иродасини аниқлаш тартибини қонунчиликда мустаҳкамлаш лозим.

- Жиноят натижасида етказилган зарарни бартараф этиш мезонлари бўйича Жиноят-процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш.

- Оилавий (маиший) зўравонликка оид ишлар бўйича ярашув тасдиқланган тақдирда ҳам жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча кафолатлар, жумладан ҳимоя ордерлари, профилактик назорат ва ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштириш.

- Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда медиация институтини ярашув жараёни билан узвий боғлаш ва мазкур соҳада мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу томонлар ўртасидаги низоларни самарали ҳал қилишга, жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги муносабатларни тиклашга ҳамда жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ярашув институтининг ҳуқуқий асослари босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилгани натижасида унинг қўлланиш доираси кенгайди, ҳуқуқни қўллаш амалиёти эса сезиларли даражада ривожланди.

Ярашув институтининг аҳамияти, аввало, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қисқа муддатларда тиклаш имкониятини яратишида намоён бўлади. Шу билан бирга, мазкур институт жиноят содир этган шахснинг қилмишини англаб етиши, етказилган зарарни қоплаши ва жамиятга қайта мослашиши учун ҳуқуқий шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, ярашув институти суд ва тергов органларининг иш юкини камайтириш орқали жиноят судлови тизимининг самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, тадқиқот давомида аниқланган муаммолар — ярашувнинг ҳақиқий ихтиёрийлигини таъминлаш, зарарни бартараф этиш мезонларини аниқ белгилаш ҳамда оилавий зўравонлик билан боғлиқ ишлар бўйича қўшимча ҳуқуқий кафолатларни жорий этиш масалалари мазкур институтни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Таклиф этилган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилиши ярашув институтининг самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, одир судлов соҳасида инсонпарварлик ва адолат тамойилларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/docs> (мурожаат қилинган вақт: 15.05.2026).
2. <https://stat.sud.uz/criminal>. (мурожаат қилинган вақт: 19.05.2026)
3. Таджиханов У. Шахс манфаатлари – жиноятчиликка карши кураш сиёсатини янада эркинлаштириш асоси//Халк сўзи, 2002, 8 январ.
4. Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар// Ҳуқуқ-Право-Law, 2002, №1.-С.9.

5. Қаранг: Жамолов Б. Суд ҳоқимияти ва уни амалга оширишнинг самарадорлиги//Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси, 2002, № 3-4, -Б.62.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жинийт, Жинийт-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 254-II-сон Қонуни. URL: <https://lex.uz/docs> (мурожаат этилган сана: 19.05.2026)
7. Ўзбекистон Республикасининг Жинийт кодекси.URL: <https://lex.uz/docs/> (Мурожаат этилган сана:19.05.2026)

